


Муслима аёл икки дунё гўзаллигини акс эттирувчи бетакрор асарлар яратди




10:59 / 24.06.2021 1085

Саудия Арабистони мусулмон дизайнерлари ва рассоми Ноҳа Раҳим хаттотлик дунёсига ноанъанавий услуб яратди. Япон ёзув тизимида ишлатиладиган хитойча белгилар — канжигга бўлган қизиқишни араб хаттотлиги билан бирлаштирди. Натижада икки дунё гўзаллигини акс эттирувчи бетакрор ва жозибали асарлар яратилди.



«Мен араб хаттотлиги ва умуман графикани яхши кўраман. Канжигга қизиқишим олти йил олдин бошланган эди», дейди Раҳим.



— Ҳар бир хаттотлик шрифтининг ўзига хос роллари ва тизими мавжуд. Ёшлигимда канжи, катакана ва ҳирагана сингари учта япон ёзувини топдим ва ҳайратда қолдим. Таъсирчан вертикал ҳарфлар, уларнинг шакли

ва мазмунли рамзлари махфий кодга ўхшарди. Кейинчалик, мен ушбу мураккаб, аммо инновацион комбинациянинг гўзаллиги ва мослашувчанлигини кўрсатиш учун канжи услубидаги араб хаттотлигини яратдим.



Раҳим ўзига хос илҳом бахш этган маданиятларга содиқ бўлиб, анъанавий суми сиёҳи ва қора рангдаги қадимги қаймоқли фон рангларидан фойдаланган ҳолда япон услубининг моҳиятини акс эттиради.

Хуршид Маъруф тайёрлади